

ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАРНИНГ ТИЛ САТҲЛАРИГА ТАЪСИР ДОИРАСИ

Р.Н.Нуритдинова

ФДУ 1-курс таянч докторанти, ўзбек
тили ва адабиёти кафедраси
ўқитувчиси

Аннотация: *Ижтимоий омиллар таъсирида тил элементлари ўзгариб боради. Аввало нутқда, кейин эса тилда пайдо бўлувчи фарқликларни илмий жиҳатдан изоҳлаш натижасида социолингвистикага оид бир қатор назарий ва амалий масалалар ўз ечимини топди..*

Калим сўз ва таянч иборалар: *социолингвистика, сатҳ тушунчаси, ижтимоий омиллар.*

Социолингвистика фан сифатида шаклланишининг яна бир сабаби – сатҳ бирликларида юз бераётган ўзгаришларни илмий асослаш зарурияти пайдо бўлди. Бунда ҳар бир сатҳ бирликлари ижтимоий омиллар таъсирида нутқда, яъни тил бирликлари функционаллашувида, муайян дифференциацияга учраши аниқланди. Буни рус социолингвист олими Е.Д.Поливанов қуйидагича тавсифлайди: “Тил таракқиёти ҳар бир сатҳ бирликларида турлича юз беради”[1]. Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда нутқий ўзгаришлар тил сатҳларида юзага чиқиши келтирилган:

1. Фонетик сатҳ. Жамият кишилари нутқидаги адабий тилдан фарқли талаффуз қилинувчи товушларни ўрганиш натижасида тилдаги номутаносибликлар аниқланади. “Социофонетика лотинчада социо–жамият, фонетика–товушни ўрганувчи соҳа ҳисобланиб, бу ижтимоий–фонетик боғланиш ва нутқдаги фонетик ўзгаришлар, уларнинг ўзаро таъсир доирасини тадқиқ қилувчи йўналиш ҳисобланади”[2] .

Социофонетика сўзловчи талаффузида жинс, касб, ёш, маълум гуруҳга тегишлилик каби белгиларни фонетик жиҳатдан “ифода этган” воситалар асосида таҳлил қилади. Масалан, америкалик олим В.Лабов “Товуш ўзгаришида социологик сабаблар аҳамияти” (1963) номли илмий тадқиқот ишида Мартас-Винярд оролидаги балиқчилар нутқида “тун”, “уй” каби сўзлар таркибидаги унли товушлар бошқа кишилар талаффузидан фарқланишини аниқлайди: “Оролда қолган ёшлар маҳаллий аҳоли каби унлиларни ифодалаганда қишлоқча талаффуз қилишар, оролни ташлаб шаҳарга ўқиш, меҳнат қилиш ниятида кетган қишлоқликлар эса “шаҳарча гаплашиши” кузатилган” . Бу ҳолат ўзбек тилида ҳам мавжуд бўлиб, I шахс бирликдаги мен олмоши одатда шаҳарликлар нутқида ман шаклида талаффуз қилиниши кабидир, яъни бунда маълум бир гуруҳ муайян ҳудудга тегишли бўлиши

фонетик унсур воситасида аниқланади. Бундан ташқари В.Лабов “Инглиз тилининг Нью-Йоркда социал табақаланиши” (1966) номли Докторлик диссертацияда ҳам фонетика билан алоқадор тадқиқотни олиб боради. “R” товушининг Нью-Йорк шаҳридаги учта катта савдо марказида (Сакс, Мейси, С.Клейн) табақаланишини аниқлади: оддий методдан фойдаланиб, универмага ташриф буюрувчилардан интервью олади. Уларга тадқиқотчи: “Аёллар оёқ кийими бўлинмаси қаерда?” (Where is the women's shoe department?) , “Бу нечанчи қават?”(What floor is this?) каби саволларни берди. У “Тўртинчи қаватда” (On the fourth floor) жавобини кутар, чунки тадқиқотчи мазкур бирикмада “R” ҳарфининг қандай талаффуз қилинишини тадқиқ қиларди. Saks(энг қиммат универмаг)га ташриф буюрувчилар “R” товушини талаффуз қилишар, S.Klein(ишчи синфининг универмаги)га ташриф буюрувчиларнинг 79 фоизи эса умуман бу товушни талаффуз қилмаслиги аниқланади. Натижада У.Лабовнинг инновацион фаолияти ҳамда социолингвистиканинг ривожланиши асносида тилнинг нафақат худудий фарқланиши, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам табақаланиши далиллар асосида илмий исботланади”[4]. Эътибор берадиган бўлсак, юқоридаги ҳар икки тажрибада ҳам сўзловчининг адабий тилдан фарқли талаффузи маълум бир ижтимоий хосланиш асносида пайдо бўлмоқда. Айнан шундай номутаносибликларни илмий изоҳлаш социолингвистиканинг ўрганиш объектига киради.

1990 йиллар ўрталарига келиб, фан ва техниканинг ривожланиши социофонетика оммалашишига олиб келди. Унда сўзловчи ёши, жинси, жамиятдаги ўрни каби “ижтимоий омиллар” фонетик сатҳда намоён бўлиши кузатилди ҳамда нутқий жараёндаги ўзига хосликлар тилга таъсир этиши исботланди. Масалан, ўзбек тилида ака сўзи “ока” тарзида, бола “бала” тарзида ифодаланиши ҳам шаҳарлик ёки қишлоқлик эканлигини кўрсатади. Аслида она сўзи ҳам апа/аба сўзининг фонетик жиҳатдан ўзгарган варианты ҳисобланади. Ёки “сентябр” сўзи латин ёзувида “sentabr”, “орзу” сўзи илгари “орзуйим, орзуйинг, орзуйи” шаклида ёзилган ва ана шундай талаффуз қилинган бўлса, ҳозирги кунда “orzum, orzung, orzusi” шаклида ифода этилишини мисол қилишимиз мумкин. Алифбони ўзгартириш ҳақидаги қонун бир сўзнинг бир даврда икки хил талаффуз қилинишига сабаб бўлмоқда. Турли ижтимоий омиллар тилнинг фонетик сатҳига таъсир этиши натижасида сўзларда товуш билан боғлиқ ўзгаришлар намоён бўлади. Тилга оид қонунлар ҳам аслида ижтимоий омилнинг бир кўриниши ҳисобланиб, улар тил тараққиётида муҳим таъсир бирликлари асосида шаклланган бўлади:

иси+қ=иссиқ, сови+қ= совуқ каби. Умуман олганда, уларсиз тил статик ҳолатда “музлаб” қолади, жамият тараққиёти инсон нутқида ифодаланишнинг имкони бўлмайди, натижада инсон ва тил/нутқ бир-биридан узилиб қолиши мумкин.

2. Лексик сатҳ. Жамият кишилари нутқидаги адабий тилдан фарқли сўзларни қўллаш, айниқса, лексик – семантик сатҳда яққол намоён бўлади, яъни улар социолексемалар ҳисобланади. Мазкур атама 1977 йилда Ю.Д. Дешериев томонидан киритилган бўлиб: “Жамиятда ўзига хос тарзда сўзлардан фойдаланишни назарда тутади”[5]. Масалан, жаргон, аргон, шеваларни нутқда қўллашни мисол қилиб олишимиз мумкин. Рус олими М.Кемпер социолексемалар устида тадқиқ олиб борган ҳолда “Исломининг рус тилиси: ислон ва рус социолекти: русизм ва арабизм” номли мақоласини чоп этди. Унда муаллиф икки коднинг бир-бирига киришиб кетиши, РФдаги ислоний ҳудудлар тилида (татар ва авар) тил унсурлари аралашувини тадқиқ этди”[6]. Бунда дин таъсирида маҳаллий аҳоли нутқида янги сўзлар пайдо бўлишини социолингвистик нуқтаи назарда изоҳлашга ҳаракат қилди. Ҳозирги кунда “рус тилшунослигида тиллар алоқаси, уларнинг ўзаро таъсири, билингвизм ҳосил бўлиш сабаблари, тил луғавий тизимининг ижтимоий қатламларини фарқлаш масалалари изчил муҳокама қилинаётган бўлса”[7], “япон олимлари социолингвистик йўналишдаги тадқиқотларида, асосан, болалар, аёл ва эркак нутқи каби турли ижтимоий гуруҳ вакилларининг мулоқот қобилиятига эътибор қаратишган”.

Масалан, япониялик тадқиқотчи С.Иде олмошлар устида изланиб олиб бориб, кишилиқ олмошлари жинс нуқтаи назардан фарқланишини қайд этган: “Адабий тилдаги “мен” олмоши эркак ҳамда аёл нутқида турли шаклда фойдаланиши ҳамда бир жинс вакили иккинчи жинсга тегишли олмошни қўллай олмаслиги кузатилади: 僕 [ぼく] (боку) – I шахс бирликни ифодаловчи “мен” олмоши асосан оғзаки услубда йигитлар нутқида қўлланилади. 俺 [おれ] (оре) – I шахс бирликни ифодаловчи “мен” олмоши эса эркаклар нутқида қўлланса-да, суҳбатдошлар ёши т е н г бўлишини талаб этиши кузатилади. Чунки мазкур олмошдан фойдаланган ҳолда ўзидан катта ёшдаги инсонга мурожаат қилинса, нокамтарлик, беодоблик сифатида баҳолашиб, ҳатто суҳбатдошдан дакки эшитиши ҳам мумкин бўлади. Олмошларнинг бундай хосланиши бошқа тил л а р д а кузатилмайди. Ўзбек тилида бу мазмун кўпроқ мурожаат шакллари орқали ифодаланади. Масалан, сиз ёки сен

олмоши ўрнида оғайни ёки ёшлар нутқидаги дўст/ўрти кабиларни кўриш мумкин.

Я п о н тилидаги аёллар нутқида қўлланувчи **あたし**(аташи) – I шахс бирликни ифодаловчи “мен” олмоши эса фақатгина оғзаки услубда кузатилади. **あたくし** (атакуши) камина, **атаい** (атаи) сўзлари бошқа олмошларга қараганда бироз қўполроқ ҳисобланади”. Мана шундай нутқдаги ўз и г а хосликлар кейинчалик аста–секинлик билан тилга ўз таъсирини ўтказиб бориши кузатилади. Жумладан, ўзбек тилидаги мен ўрнида камина, бандаи ожиз, фақир сўзларининг қўлланишини кўрсатишимиз мумкин. Бундан ташқари ҳозирги кунда айрим тилларда алоҳида жинс н и ифодалавчи олмошлар ҳам адабий меъёр сифатида қабул қилинган: рус тилида он(у-эркак), она(у-аёл), оно(у-жонсиз); инглиз тилида he(у-эркак), she(у-аёл), it(у-жонсиз) кабилар. Ўтмишда мана шундай лисоний фарқликлар аввал нутқда, сўнгра тилда қўлланила бош л а н г а н деган тахминлар мавжуд. Бироқ барча социолексемалар ҳам адабий меъёр сифатида қабул қилинавермайди. Нутқда қўлланувчи элементлар аста–секинлик билан адабий тилга сингиши ёки аксинча умуман қабул қилинмаслиги, фақатгина нутққа хос бўлиб, сўзловчининг ижтимоий белгиларини ўзида намойиш қилувчи субкод сифатидагина қолиши ҳам мумкин.

ADABIYOTLAR:

1. Поливанов Е.Д. Лекции по введению в языкознание и общей фонетике. – Берлин: Гос. Изд-во РСФСР, 1923. – С.17.
2. Labov W. The social motivation of a sound change // Word. – 1963, № 19. – P.273-309.
3. Labov W. Principles of Linguistic Change. – Oxford: Blackwell,1994. – 123 p.
4. Словарь социолингвистических терминов. – М.: Институт языкознания. РАН. 2006. – 198 с.
5. Вестник ВГУ, серия «Лингвистика и межкультурная коммуникация.–2005, №2.
6. N.R. Numonovna.Ideas that led to the emergence of sociolinguistics and interpretation of the study. - ACADEMICIA: An International Multidisciplinary, 2021.
7. Р.Н. Нуритдинова. Жаргон и его место в речи социальных групп. - Образование и наука,(21), 2021.

- 8.Guzalkhan M. CREATIVE PERSON AND THE HARD WORK OF CREATIVITY //Euro-Asia Conferences. – 2021. – Т. 4. – №. 1. – С. 239- 240.
- 9.S. Dalimova, Sh.Kuziev, G.Umarova, G.Mukhammadjonova, M.Yunusova, N.Khamdamova, F.Eshboev. Influence of the supramolecular complex of glycyrrhizic acid with quercetin on age-related functional changes in rat brain mitochondria. Plant Cell Biotechnology and Molecular Biology 21(45&46):63-73; Y. 2020
- 10.Mukhammadjonova, Guzalkhan. "Problems Of Creative Human Concept And Artical Interpretation." The American Journal of Social Science and Education Innovations 3.11 (2021): 1-6.
- Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика. Ўқув қўлланма. –Т., Фан, 2004. - 182 б
- 11.Абдуллаева, Ш. А., & Абдусаматова,Ш. А. (2019). Профилактика правонарушений среди несовершеннолетних учащихся.Молодой ученый, (5), 154-156.
- 12.Абдуллаева, Ш. А., & Зайнитдинова, М. А. (2018). Совершенствование качества образования в системе переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров. Научный результат. Педагогика и психология образования,4(3)
- 13.Barziyev, O, N. (2021) Traditional poetic series associated with the name of Fergana. Scientific journal of Fergana State University 3 (3), 108-114
- 14.Barziyev, O, N. (2021) Фарғона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик туркумлар. НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ 3 (3), 108-114